

**Депозит сертификатларни олди-сотдиси буйича  
ШАРТНОМА № \_\_\_\_/2020**

\_\_\_\_\_ ш.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 й.

Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» АТБ (кейинги ўринларда «Банк» деб номланади) номидан № \_\_\_\_\_ сонли Ишоннома асосида ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_ филиали Бошқарувчиси \_\_\_\_\_ бир тарафдан, ва \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда «Депозитор-Сертификат сақловчи» деб номланади) номидан \_\_\_\_\_ асосида фаолият юритувчи раҳбари \_\_\_\_\_, иккинчи тарафдан, биргаликда эса «Тарафлар» деб юритилувчилар ушбу шартномани (кейинги ўринларда «Шартнома» деб юритилади) қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Депозитор-Сертификат сақловчи» Банкга ушбу шартноманинг 3 бўлимида кўрсатиб ўтилган депозит суммасини ўтказади, Банк эса «Депозитор-Сертификат сақловчи»га эгасининг номи ёзилган депозит сертификатларни мазкур шартноманинг 2 бўлимига мувофиқ равишда тақдим этади.

### 2. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ТУРИ ВА Сони

- 2.1. Депозит тури: Депозит сертификатлар  
2.2. Эмитент: АКБ «Hamkorbank»  
2.3. Муомалада бўлиш \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) кун  
муддати:  
2.4. Номинал қиймати: \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм  
2.5. Сони: \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) дона  
2.6. Чиқарилиши: \_\_\_\_\_  
билан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида  
рўйхатдан ўтган.

### 3. ШАРТНОМА СУММАСИ

3.1. Шартнома (депозит) суммаси: \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм.

### 4. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. «Депозитор-Сертификат сақловчи» томонидан сотиб олинаётган Депозит сертификатлари учун тўлов шартнома суммасини мазкур Шартноманинг №5.1.2. бандида кўрсатилган депозит ҳисобварағига пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

### 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 5.1. «Депозитор-Сертификат сақловчи» мажбуриятлари:

5.1.1. Банкга депозит ҳисобварағи очиш учун талаб этиладиган барча ҳужжатларни тақдим этиш.

5.1.2. Шартнома тарафлар томонидан имзолаган кундан бошлаб 10 (Ўн) банк иш куни давомида ушбу Шартноманинг №3.1. бандида кўрсатилган суммани Банкнинг № 23606000 \_\_\_\_\_, МФО 0 \_\_\_\_\_, депозит ҳисобварағига (кейинги ўринларда «Депозит ҳисобварағи» деб юритилади) ўтказиб бериш.

5.1.3. Депозит сертификатларини муддатидан олдин сўндириш (тўлов амалга

ошириш) талаб қилишда Банкни ҳақиқатда қайтариладиган санадан камида бир ой олдин ёзма огоҳлантиради.

5.1.4. «Депозитор-Сертификат сақловчи» Шартнома суммаси қайтариладиган санадан олдин 5 (беш) банк иш куни мобайнида Банкка шартнома суммасини қайтариш бўйича ариза ва депозит сертификатларини тақдим қилади.

## 5.2. Банк мажбуриятлари:

5.2.1. «Депозитор-Сертификат сақловчи» номига депозит ҳисобварағи очиш.

5.2.2. Шартнома суммаси бутлигини таъминлайди ва ушбу Шартнома шартлари асосида уларга фоиз тўлайди.

5.2.3. Шартнома суммаси депозит ҳисобварағига келиб тушган кундан бошлаб 10 (Ўн) банк иш куни давомида ушбу Шартноманинг 2 бўлимида кўрсатилган депозит сертификатларни «Депозитор-Сертификат сақловчи»га етказиш.

5.2.4. Депозит-Сертификат сақловчига шартнома суммаси депозит ҳисоб рақамига ҳақиқатда келиб тушган вақтдан, то депозит сертификати муомалада муддати тугагунга қадар бўлган даврга, бир йилда 365 кун ҳисоблаган ҳолда, депозит ҳисобрақамидаги пул маблағлари қолдигига нисбатан йиллик \_\_\_% (\_\_\_\_\_ фоиз) миқдорида устама ҳақи тўлайди.

5.2.5. Депозит сертификатлар бўйича ҳисобланган фоизларни белгиланган солиғини ушланган ҳолда Депозит-Сертификат сақловчига ўтказиш. «Банк» даромад солиғини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган миқдорда ушлаб боради.

5.2.6. Банк Депозит сертификати бўйича фоизларни ҳар ойнинг 30 (ўттизинчи) санасигача ҳисоблайди, ва кейинги ойнинг 5 (беш) банк иш куни давомида «Депозитор-Сертификат сақловчи»га ўтказиши. Агар ушбу сана дам олиш кунига тўғри келадиган бўлса, тўлов кейинги банк иш кунини амалга оширилади.

5.2.7. Депозит ҳисоб рақамига шартнома суммаси келиб тушган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) кун муддатдан сунг, 3 банк иш куни давомида шартнома суммаси ва қолган фоизларни «Депозитор-Сертификат сақловчи»нинг асосий ҳисобварағига ўтказиб бериш (қайтариш) йўли орқали, мазкур Шартноманинг 2 бўлимида кўрсатилган депозит сертификатларини уларнинг номинал қийматлари бўйича сўндиради (қайта сотиб олади). Агар ушбу сана дам олиш кунига тўғри келадиган бўлса, тўловлар кейинги банк иш кунини амалга оширилади.

5.2.8. «Депозитор-Сертификат сақловчи» депозит сертификатларни тўлиқ ёки қисман муддатидан олдин сўндиришни (қайта сотиб олишни) талаб қилган ҳолда, Банк бир ойдан кам бўлмаган муддатда депозит сертификат номиналлари бўйича маблағни ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур Шартноманинг 2.6. бандида курсатилган «Namkorbank» АТБ юридик шахслар учун депозит сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш шартлари асосида «Депозитор-Сертификат сақловчи»га ўтказиб беради. Бунда депозит сертификат учун аввал ўтказилган фоизлар қайта ҳисоб-китоб қилиниб, депозит ҳисобрақамидаги пул маблағларидан ушлаб қолинади.

5.2.9. Банк томонидан «Депозитор-Сертификат сақловчи»нинг Депозит сертификати бўйича амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, Банк амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда «Депозитор-Сертификат сақловчи»га унинг ҳисобварағига хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан хабарнома (маълумотнома) юборади.

5.2.10. Банк томонидан кредитлар, микроқарзлар ва лизинг бўйича

қарздорликларни сўндириш учун Шартнома суммасидан маблағлар ҳисобварақ «Депозитор-Сертификат сақловчи»нинг топшириғисиз ҳисобдан чиқарилганда, банк ушбу маблағ ҳисобдан чиқарилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда «Депозитор-Сертификат сақловчи»га унинг ҳисобварағидан қанча миқдордаги маблағ қандай сабабларга асосан ва кимнинг фойдасига чиқарилганлигини кўрсатган ҳолда хабарнома (маълумотнома) юборади.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ.**

### **6.1. «Депозитор-Сертификат сақловчи»нинг ҳуқуқлари:**

6.1.1. Депозит сертификатларни тўлиқ ёки қисман муддатидан олдин тулашни (сўндиришни) талаб қилиш. Бундай ҳолда Депозитор-Сертификат сақловчи депозит сертификатини амалда бўлган муддатига нисбатан мазкур шартноманинг 5.2.8. бандида кўрсатиб ўтилган шартлар асосида фоиз олади.

6.1.2. Банк ташаббуси билан депозит сертификатларни шартномада белгиланган муомала муддатидан олдин сўндирилганда, «Депозитор-Сертификат сақловчи» депозит сертификатни амалда бўлган муддатига нисбатан ушбу Шартноманинг 5.2.4 бандида кўрсатиб ўтилган шартлар асосида фоиз олади.

6.1.3. «Депозитор-Сертификат сақловчи» шартнома асосида ушбу Шартномада кўрсатилган депозит сертификатларни бошқа бир юридик шахсга утказиш (сотиш) ҳуқуқига эга, бунда «Депозитор-Сертификат сақловчи» фоиз тўлаш кунидан камида 10 (Ўн) банк иши куни аввал Банкни хабардор қилиши ва тузилган шартномани нусхасини тақдим қилиши шарт.

### **6.2. Банкнинг ҳуқуқлари:**

6.2.1. «Депозитор-Сертификат сақловчи» билан келишув асосида мазкур Шартномани бекор қилиш, «Депозитор-Сертификат сақловчи»ни шартномани бекор қилиш бўйича 10 (ўн) банк иш куни аввал ёзма огохлантиради.

## **7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Мазкур шартномада бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

7.2. Мазкур шартномада белгиланган тўловларни ўз муддатида амалга оширилмаган тақдирда, тўловни кечиктирган тараф тўловлар кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,05% миқдоридан пеня тўлайди, лекин тўланиши лозим бўлган сумманинг 10% фоизидан ошмаслиги лозим.

7.3. Пеняларни тўлаш тарафларни мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.4. Марказий банк қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин банк томонидан ҳисобварақлар очишда сабабсиз кечиктирилганлик ёки очишдан бош тортганлик, шунингдек мазкур турдаги ҳисобварақ очиш учун ортиқча ҳужжатларни талаб қилганлиги учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,02 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

Қонун ҳужжатларида ўрнатилган «Депозитор-Сертификат сақловчи» ҳисобварақларига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун, электрон тўловларни амалга оширишнинг ва хато амалга оширилган электрон тўловларни қайтаришнинг ўрнатилган муддатларини бузишни истисно

этган ҳолда, банк ҳар бир ҳолат учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,01 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Электрон тўловларни амалга оширишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлари банк томонидан бузилган тақдирда, у «Депозитор-Сертификат сақловчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт. Акс ҳолда, «Депозитор-Сертификат сақловчи» банкдан маблағларни қайтаришни, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## **8. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

8.1. Депозит сертификатларни топшириш (қабул қилиш) топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан амалга оширилади.

8.2. Тарафлар энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари юзага келганлиги яъни тарафларнинг иродаси, хоҳиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари, ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар сабабли шартнома шартларини тўлиқ ёки қисман бажара олмаган тақдирда жавобгарликдан озод қилинадилар.

8.3. Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу тарафларнинг иродаси, хоҳиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.

8.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

8.5. Ушбу Шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича тарафлар мазкур Шартноманинг 2.6. бандида курсатилган «Hamkorbank» АТБ юридик шахслар учун депозит сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш шартлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида иш тутадилад.

## **9. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

9.1. Шартнома тарафлар ўртасида имзоланган ва депозит ҳисобрақамига маблағлар жойлаштирилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда Тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амалда бўлади.

9.2. Тарафларнинг икки тарафлама розилигига асосан Шартномага қўшимча келишув тузилиб, унда келишилган шартлар асосида депозит муддати узайтирилиши мумкин. Бунда манфаатдор томон иккинчи томонга депозит амал қилиш муддати тугашидан камида 3 кун олдин таклиф билан мурожаат қилади.

9.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма равишда

ёзилиб, иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, мухрлари билан тасдиқланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланилади.

## 10. МАХФИЙЛИК

10.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.

10.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади. Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддати ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида амал қилади.

10.3. Махфийлик талабларини бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.

## 11. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Тарафларнинг почта манзиллари, мулкчилик шакли ва реквизитлари ўзгарган тақдирда бири бирларини ушбу ўзгартиришлар таъсис ҳужжатлари ва бошқа расмий ҳужжатларга киритилган кундан бошлаб 10 (ўн) календарь кун ичида ёзма равишда огоҳлантириш мажбуриятини оладилар. Акс ҳолда эски реквизитлар бўйича пул маблағларни ўтказиб юборган ёки хабарномалар юборган тараф Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ҳисобланади.

11.2. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар. Агар тарафлар келишмовчилик ва низоларни тинч йўл билан ҳал этишга эришолмаган тақдирда, мазкур келишмовчилик ва низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Хўжалик суд орқали ҳал этилади.

11.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, тарафларда бир нусхадан сақланади.

## 12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕВИЗИТЛАРИ:

<b>«Банк»</b> <b>«Hamkorbank» АТБ</b> _____ филиал манзили _____ Тел/факс (8 37 _____), _____ Алоқа маркази: 0 800 1-200-200 0 378 150-91-25 e-mail: contact@hamkorbank.uz	<b>«Депозитор»</b> _____ ташкилот номи _____ _____ адрес _____ Телефон (+998 7 _____)
д/х 23606 _____,	х/р 202 _____
Банк коди _____, СТИР _____, ХХТУТ 96120	Банк коди 0 _____, СТИР _____, ХХТУТ _____
_____ филиали бошқарувчиси	_____ ваколатли шахс лавозим _____
_____	_____

